

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 634+339

Муҳаммадали Ҳакимович САИДОВ
Иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат аграр университети
Тошкент, Ўзбекистон
3167707@mail.com

Аннотация

Мақолада замонавий кластерларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган ҳамда соҳани ривожлантиришга доир масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мева, сабзавот, полиз, узум, кластер, замонавий, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот, давлат, хусусий, шерик.

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ СОВРЕМЕННЫХ КЛАСТЕРОВ В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ

Муҳаммадали Ҳакимович САИДОВ
доктор экономических наук, профессор
Ташкентский государственный аграрный университет
Ташкент, Узбекистан
3167707@mail.com

Аннотация

В данной статье рассматриваются особенности создания современных кластеров в сфере экономики, а также анализируются вопросы связанные с развитием отрасли.

Ключевые слова: фрукты, овощи, дыни, виноград, гроздь, современный, интенсивный, экспорт, импорт, товар, общество, частный, партнерство.

FEATURES OF THE ORGANIZATION OF MODERN CLUSTERS IN THE ECONOMY OF THE COUNTRY

Muhammadali Khakimovich SAIDOV
Doctor of Economic Sciences, Professor
Tashkent State Agrarian University
Tashkent, Uzbekistan
3167707@mail.com

Annotation

This article considers the features of creating modern clusters in the sphere of economy, as well as analyzes issues related to the development of the industry.

Keywords: fruits, vegetables, melons, grapes, bunches, modern, intensive, export, import, goods, society, private, partnership.

Ўзбекистон мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлашда улкан имкониятларга эга. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда энг самарали ва тез натижа берадиган йўналиш - қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этиш долзарбдир. Мавжуд салоҳиятимизни тўлиқ ишга солиш, унга яраша катта даромад олиш зарурлигини инобатга олиб сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори даражада ислоҳ қилинмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат қўллаб-қувватлашининг самарали механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс, тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти.

2020 йилда мева-сабзавот экспортини йилига 2,5 миллиард долларга, сўнгги уч йилда эса бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, бунга эришиш учун экин ва навларни тўғри танлаш, ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробарга ошириш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш, маҳсулотларни сақлаш, логистика масалаларини ҳал қилиш, экспортни тўғри ташкил этиш керак.

Ҳозир дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил қилинаётган кооперациялар негизида 1 гектардан 5 гектаргача ижара асосида ер ажратиб берилади. Янги боғ ва токзорларни барпо этишга “Ҳар бир оила –

тадбиркор” дастури доирасида 1 триллион сўм йўналтирилади. Мисол учун, кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида Фарғона водийсининг 22 та туманида 31 та намунавий кооперация ташкил этилди. Ҳар бир кооперацияга камида 50 нафардан ишсиз фуқаро аъзоликка қабул қилиниб, уларга фойдаланилмаётган ерлар, субсидиялар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, боғдорчилик ривожини учун аввало кўчат зарур. Шунинг учун ҳар йили 20 миллион дона кўчат етиштиришни йўлга қўйиш ва экспорт қилиш имконияти мавжуд. Келгуси йилдан ўрик, гилос, шафтоли, хўраки ва саноатбоп узум, анор, ёнғоқ, бодом кўчатлари етиштириш плантациялари ташкил этишни бошлаш муҳимдир.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис 2020 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган 77 минг гектар майдонга озиқ-овқат экинлари, эртаги маҳсулот етиштириш учун 200 минг гектарда тўқсонбости усулида сабзавотлар экилишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда [2].

Кластер сўзи инглизчада "тўплам" деган маънони англатади. Иқтисодиётда кластер деганда бирон маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бир неча мустақил компаниялардан ихтиёрий равишда тузилган бирлашма тушунилади. Яъни пахта саноатида, масалан, чигит экилишидан тортиб, тайёр пахта маҳсулотига айлантирилгунга қадар ўзаро бирлашган компаниялар: фермер хўжалиги, пахта заводи, тўқимачилик корхоналари ва хоказолар бирга ишлайди.

Шу жиҳатдан республикамизнинг ихтисослашган ҳудудларида қайта ишлаш қувватларидан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигига эршиш, экспортга йўналтириш ҳисобига мамлакатга валюта тушумини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳисобланади. Бунда республикамизнинг эркин иқтисодий зоналар ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича саноат кластерларини ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини уйғунлашган ҳолда ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ушбу вазифаларни самарали ҳал қилиш ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, яъни агросаноат мажмуасининг тармоклари ўртасидаги кооперацион ва интеграциялашув тамойиллари асосида саноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Лекин агросаноат фирмалари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва молиялаштириш механизмлари чуқур ўйланмаганлиги, уларнинг бозор тамойилларига тўлиқ мос келмаслиги ва бошқа субъектив сабабларга кўра кутилган натижаларни бермади. Асосий сабаб бугунги кунда мамлакатимиз ва ҳудудлар кесимидаги мева-сабзавотчилик тизимида ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланган бозор муносабатлари асосида эмаслигидир. Бундай ҳолатни мева-сабзавотчилик тармоғининг амалдаги таркибий тузилмасидан ҳам кўриш мумкин.

Назарий ва амалий нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ ва корхоналар миқёсида иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий йўналишларидан бири ҳудудий ривожланиш тамойилларига амал қилиш ҳисобланади. Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида бундай ёндашув кўплаб аграр соҳа иқтисодчи олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари билан асосланган. Лекин амалга оширилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт даврида бажарилганлиги туфайли бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўсиб бориш қонунияти республикамиз мева-сабзавотчилик тармоғи корхоналари иқтисодиётини ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг тадрижий ривожланиши жараёнларида ҳам кузатилмоқда. Яъни қишлоқ хўжалигини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш борасида ҳам илк илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб олимларимиз томонидан дастлабки таклиф ва тавсиялар берилаяпти [7].

Хорижий иқтисодчи олимлар хулосаларига кўра, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва рақобат курашининг кескинлашуви тезлашган ҳозирги шароитда

иқтисодиётни кластер асосида ташкил этаётган минтақа ва ҳудудлар иқтисодий ривожланишда олдинги ўринларга чиқиб олмоқдалар. Бундай ҳудуд ва истиқболлар ўзлари жойлашган давлат ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини белгилаб бермоқда. Иқтисодий ривожланишнинг кластер усулидан фойдаланмаётган, яъни анъанавий ёндашувни қўллаётган ҳудудлар эса сезиларли натижаларга эриша олмаяпти ва иккинчи даражали ҳудудларга айланмоқда.

Қайта ишлаш саноатида кластерларни ташкил этиш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда бир қатор рақобат устунликларини яратади: биринчидан, уларнинг кластерга кирган фирма ва тармоқ корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, иккинчидан, инновацион ривожланиш имкониятларини оширади, учинчидан, тадбиркорликнинг янги турлари ва кластер фаолиятини кенгайтиради.

Шу билан бирга, таъкидлаганимиздек, мева-сабзавотчилик соҳаси бўйича кластер тизимида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) тизими давлатнинг иқтисодий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш баробарида иқтисодиёт тармоқларида давлат сиёсатининг устунлигини таъминлайди [16]. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилик амалиёти ривожланиши бўйича хорижий тажрибалар (қаранг: 1-жадвал) келтирилган. Маълумотлардан кўришиб турибдики, дунё давлатларида давлат-хусусий шерикчилик тизими XIX асрданоқ шакллана бошлаб бугунги кунда бу борада қатта тажриба тўпланган. Фикримизча, хорижий тажрибаларни мамлакатимиз шароитига мослаштирган ҳолда қўллаш яхши натижалар беради.

1-жадвал


Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилик амалиёти ривожланиши бўйича хорижий тажрибалар

Мамлакатлар	ДХШнинг пайдо бўлиши	Қишлоқ хўжалигига таъсири	Амалга оширилган лойиҳалар сони
Германия, Франция	XIX асрнинг охири XX аср	Мамлакатда давлат назоратига ўтказилган	135
АҚШ	1980-1990	Хусусий тадбиркорлик ташаббуси	128
Япония	1980-2000 йиллар	Давлат назорати ва хусусий молиялаштириш	149
Россия	2000 йилдан бери	Давлат назорати	80

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географиясини кенгайтириш мақсадида республикада бир қатор имтиёзлар яратилмоқда. Жумладан, қиймати 20 минг долларгача бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини шартномасиз инвойс асосида экспорт қилиш мумкин. Қиймати 5000 долларгача бўлган маҳсулотларни шартнома тузмасдан ва юк божхона декларацияси расмийлаштирмасдан, юк ҳужжатлари асосида, хорижий ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш учун олиб чиқишга рухсат этилган. Қолаверса, “Ўзагроэкспорт” АЖ томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари учун белгиланган нархлардан кам бўлмаган нархда экспорт шартномаларини тузиш ва экспортга юклаш бўйича талаблар бекор қилинди. Яна бир қулайлик сифатида юридик шахсларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга оширишга рухсат берилди ва ҳоказо.

1-гистограмма

Мева-сабзавот маҳсулотларининг 2016-2018 йиллардаги экспорт динамикаси




2016-2018 йиллар мобайнида мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида сабзавотлар етакчи ўринда, ундан кейин мева, узум, дуккакли маҳсулотлар ва қуритилган мевалар бўлса, полиз маҳсулотлари энг сўнгги ўринлардан жой олган (1-гистограмма). Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини мамлакат ҳудудлари кесимида таҳлил қилинганда Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари етакчи,

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Хоразм вилоятлари энг сўнгги ўринларни эгалламоқда (2-гистограмма).

2-гистограмма


Мева-сабзавот маҳсулотларининг 2016-2018 йиллардаги ҳудудлар кесимида экспорт динамикаси



Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилнинг ўзида дуккакли маҳсулотларнинг 52,8% экспортга, қолгани ички истеъмолга йўналтирилиб, бошқа маҳсулотлар ичида етакчи ўринга эга бўлса, кейинги ўринларда узумнинг 13,2%, меванинг 9,6%, сабзавотнинг 4,6%, полизнинг 1,7% экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилган (3-гистограмма).

3-гистограмма

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг етиштирилиши ва экспортга чиқарилиши (2018 йил)



Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрсаткич АҚШ, Испания ва Мексика давлатларига тўғри келса, сабзаёт маҳсулотлари бўйича бу кўрсаткич Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда (2-, 3-жадваллар).

2-жадвал

Мева экспорт қилувчи йирик давлатлар (2017 йил)

Т/р	Давлат	Экспорт ҳажми(млн.долл.)	Улуши, %
	Умумий экспорт	119371,6	100 %
1	АҚШ	14 876,1	12,5%
2	Испания	9 353,6	7,8%
3	Мексика	6 653,0	5,6%
4	Голландия	6 259,2	5,2%
5	Вьетнам	6 093,7	5,1%
6	Чили	5 547,7	4,6%
7	Хитой	5 336,5	4,5%
8	Италия	4 162,8	3,5%
9	Туркия	3 940,0	3,3%
10	Ж.Африка	3 389,0	2,8%
11	Эквадор	3187,0	2,7%
12	Бельгия	2898,9	2,4%
13	Перу	2397,8	2,0%
14	Таиланд	2327,6	1,9%
15	Гонгконг	2290,8	1,9%
	Бошқа давлатлар	40 657,6	34,1 %

Мевалар экспортида Ўзбекистоннинг улуши 2017 йил 197,0 млн. АҚШ долларини, 2018 йилда эса 314,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, сабзаётлар экспортида 2017 йил 106,7 млн., 2018 йили 145,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

3-жадвал

Сабзаётлар экспорт қилувчи йирик давлатлар (2017 йил)

Т/р	Давлат	Экспорт ҳажми(млн.долл.)	Улуши, %
	Умумий экспорт	73 221,3	100%
1	Хитой	11 164,2	15,%
2	Голландия	7 539,9	10,3%
3	Испания	6 803,5	9,3%
4	Мексика	6 645,2	9,1%
5	АҚШ	4 786,5	6,5%
6	Канада	4 494,1	6,1%
7	Бельгия	2 564,0	3,5%

8	Австралия	2 452,6	3,3%
9	Франция	2 320,4	3,2%
10	Италия	1 732,6	2,4%
11	Таиланд	1 389,1	1,9%
12	Германия	1 255,5	1,7%
13	Ҳиндистон	1 149,9	1,6%
14	Морокаш	1 123,1	1,5%
15	Миср	1 065,6	1,5%
	Бошқа давлатлар	16 735,2	22,9%

Мева-сабзавот маҳсулотлари импорти бўйича етакчилик дунёнинг йирик давлатлари АҚШ, Германия ва Голландия ҳиссасига тўғри келмоқда (4-, 5-жадваллар).

4-жадвал

Мевалар импорт қилувчи йирик давлатлар (2017 йил)

Т/р	Давлат	Импорт ҳажми(млн.долл.)	Улуши, %
	Умумий импорт	125 868,8	100%
1	АҚШ	18 097,5	14,4%
2	Германия	11 071,1	8,8%
3	Голландия	6 594,5	5,2%
4	Хитой	6 395,2	5,1%
5	Бирлашган қироллик	6 351,7	5,0%
6	Франция	5 777,9	4,6%
7	Россия	4 677,7	3,7%
8	Канада	4 668,2	3,7%
9	Гонгконг (Хитой)	4 175,6	3,3%
10	Белгия	3 872,5	3,1%
11	Италия	3 527,0	2,8%
12	Ҳиндистон	3 428,3	2,7%
13	Вьетнам	3 310,8	2,6%
14	Япония	3 157,3	2,5%
15	Испания	3 125,6	2,5%
	Бошқа давлатлар	37 638,0	30%

5-жадвал

Сабзавотлар импорт қилувчи йирик давлатлар (2017 йил)

Т/р	Давлат	Импорт ҳажми(млн.долл.)	Улуши, %
	Умумий импорт	73668,6	100,0 %
1	АҚШ	10295,5	14 %
2	Германия	6901,8	9,4 %
3	Бирлашган Қироллик	4172,4	5,7 %

4	Ҳиндистон	3946,8	5,4 %
5	Франция	3541,6	4,8 %
6	Канада	3168,2	4,3 %
7	Голландия	2807,4	3,8 %
8	Япония	2495,1	3,4 %
9	Белгия	2178,8	3,0 %
10	Хитой	2015,7	2,7 %
11	Италия	1832,7	2,5 %
12	Россия	1794,8	2,4 %
13	Испания	1397,2	1,9 %
14	БАА	1342,0	1,8 %
15	Покистон	981,2	1,3 %
	Бошқа давлатлар	24 797,3	33,7 %

Ташкил этилган кластерлар тараққиётини хорижий мамлакатлар тажрибаси орқали таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШнинг барча штатларида илғор технологияларга эга агросаноат кластерлари кенг жорий этилган. Йирик агрокластерлар Вашингтон, Оклахома, Луизиана штатларида, вино ишлаб чиқариш Калифорния штатида жойлашган. Юқори самарали фаолият кўрсатаётган кластерларни Силикон водийсидаги “Ахборот технологиялар”, Голливуддаги “Кинофикация” кластерлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Европада ҳам (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Голландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа давлатларда) юқори технологияли агрокластерлар кенг ривож топган. АҚШда 380 та кластер мавжуд бўлиб, ЯИМда кластерларнинг улуши 61,4%ни ташкил этади.

Францияда аграр корхоналар, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали Европа ва жаҳон технология ва новация бозорларига чиқиш мақсадида 1986 йили Монпелье шаҳрида “Агрополис” уюшмаси тузилди.

Англияда 2001 йилдан бошлаб инновацион агросаноат кластери – Стокбридж технологик марказ ёпиқ тупроқ шароитида дехқончилик, боғдорчилик ва сабзаотчилик соҳаларида тадқиқотлар ва таълим программаларини ўтказмоқда. Ушбу марказ 70 гектар суғориладиган ерга, 40 та компьютер орқали бошқариладиган 12 дан 1000 кв.метргача ҳудудга тенг майдончаларда жойлашган замонавий иссиқхоналар ҳамда юқори технологиялар билан жихозланган лабораторияларга эга.

Австрияда ҳам кластерларни ихтисослаштиришга, агросаноат ва илмий-тадқиқот корхоналарининг ўзаро алоқаларини рағбатлантиришга, инновация

программаларини бошқариш тартибидаги тўсиқларни камайтириш ҳамда рақобатбардош марказларни шакллантиришга кўпроқ аҳамият берилади.

Дания қишлоқ хўжалигида чорвачилик деҳқончиликка қараганда устувор аҳамиятга эга. Чунки деҳқончилик маҳсулоти кўпроқ озуқага ишлатилади. Сабаби чорвачиликда сут етиштириш йўналишининг роли гўшт етиштириш соҳасига қараганда юқорироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сут маҳсулоти кластерлари (масалан таниқли «Молочная вертикаль») кенг тарқалган.

Россияда ҳам иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, агросаноат комплексида, кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича 200 дан кўп лойиҳалар амалга оширилмоқда. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги 2008 йилда қабул қилган Худудий-саноат кластерларини ривожлантириш Концепцияси уч қисмдан иборат: кластерларни институционал тараққиётга ёрдам бериш; кластерда қатнашувчиларнинг рақобатбардошлилигини ошириш; кластерларнинг тараққий этиши учун қулай шароитлар яратиш. Ҳозирги кунда Томск областининг ”Биокомплекс” кластерида (буғдойнинг янги ҳосилдор ва замбуруғ касалликларига чидамли юмшоқ ва остист навлари яратилди. Кейинчалик донни чуқур қайта ишлаш, биотехнология, нефткимё ишлаб чиқариш тармоқларини ичига олган – “АгроПАРК”ни тузиш мўлжалланган. Тула областидаги “Балтика” кластери илмий-тадқиқот станциясининг 672 тажриба-экспериментал майдончаларида сулини пиво пиширишга ярайдиган – Россия ютуқлари реестрига киритилган 17 навини етиштиришга эришилди. Кемерово областида “КалинаМалина” агросаноат бренди (7та фирма-магазинлар ва 40 та фермерлар билан бирга), Вологда областида “Биотехнология” кластери (ОАО “ФосАГРО” билан бирга) ва бошқа регионларда шу каби замонавий агрокластерларни барпо этиш жараёни анча жадаллашди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий кластерларни ташкил этиш орқали самарадорликка эришиш учун фикримизча қуйидаги вазифалар амалга оширилиши зарур: эскирган тизимдан бутунлай воз кечиб, мутлақо янги узлуксиз занжирни, яъни кооперация ва кластер тизимини ташкил этиш; халқаро ҳамда маҳаллий молия ташкилотларидан маблағлар жалб этиш орқали гилос, ўрик, анор, шафтоли, олхўри, ёнғоқ каби меваларга ихтисослашган янги замонавий боғлар ташкил қилиш ҳисобига ҳосилдорликни кескин ошириш; озиқ-

овқат ва спиртли ичимликлар саноатида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, маркетинг ва инновацияни кенг қўллаган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, янги бозорларни топишга қаратилган янгича тизим ташкил этиш; интенсив кўчатлар ва пайвандтаглар сотиб олиш харажатларининг бир қисмини фермерларга субсидия сифатида қоплаб бериш; “соғломлик” сертификатиغا эга бўлмаган кўчатларни юртимизга олиб келиб, экишни тўхтатиш; ўсимликларга кимёвий ишлов бериш ва зараркунандаларга қарши курашиш учун ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар дўконлари ташкил этиш, фермерлар ва аҳоли томорқаларига бу борада хизмат кўрсатиш тизимини яратиш; йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот етиштирувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорларга бириктириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий кластерларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига доир илмий-тадқиқот ишларини ҳар қачонгидан кўра, жадаллик билан замон талабларига мос равишда олиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. №6. 70-модда.

2. Мирзиёев Ш.М. Мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. 05.11.2019. www.xabar.uz.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 103 б.
6. Муртазаев О., Ахроров Ф. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2017.
7. Саидов М.Х. Узбекистан: Инвестиции в человеческий капитал, партнёрство в сфере образования. – Москва: Книжный дом газеты «Труд», 2006 г.
8. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Менеджмент и экономика высшего образования. – Ташкент, 2002.
9. Водяников В.Т., Судник Д.Ю. Экономическая оценка инвестиций в агропромышленном комплексе. – Москва: ЮРКНИГА, 2004.
10. Акканино Н.В. Маркетинг в агропромышленном комплексе: учебник – Москва: ЮРАЙТ, 2016.
11. Дитериха М., Мерзлова А. Устойчивое развитие сельских территорий: учебное пособие – Москва: Эллис Лак, 2013.
12. Саидов М.Х. Финансирование высших учебных заведений. – Ташкент: Молия, 2001. – 296 с.
13. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти: ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2002. – 184 б.
14. Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўқув қўлланма. – Тошкент: Tafakkur-Bo`stoni, 2011.
15. Очилов И.С., Файзуллаев Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари // Biznes-Эксперт, 2019. – №5. – Б 23-29.
16. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. – 2015, 22 б.
17. Gulyamov S.S., Ochilov I.S. Factors on increasing efficacy of intellectual economy. European Journal of Scientific Research, «Paris University Press», France, №1(13), January-June, 2016.

18.Материалы Международного форума «Университеты, общество и будущее человечества». – Москва: МГУ имени М.В.Ломоносова, 25 марта 2019 года.

19.www.uza.uz

20.www.stat.uz

21.www.bloomberg.com